

## **ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ – ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚЛАРИНИНГ МУШТАРАК ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ**

**Холмўминов Жаъфар Мухаммадиевич,**  
Тошкент давлат шарқшунослик университети  
“Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси”  
кафедраси профессори в. б.,  
фалсафа фанлари доктори (DSc)

### **АННОТАЦИЯ**

*Ўзбек ва тожик халқларининг дўстлик ва қардошлик алоқалари Исломдан олдинги узоқ даврларга бориб тақалади. Ислом дини жорий этилганидан кейин эса бу дўстлик ва қардошлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Муштарак эътиқод бу халқларнинг турмуш ва тафаккур тарзи, менталитети ва урф-одатларини ягона макон ва мақсадда бирлаштириши учун замин яратди. Айниқса, Тасаввуф таълимотида муҳим ўрин тутган Хожাগон-Нақибандия тариқати ушбу халқларнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётида маънавий асос сифатида хизмат қилди.*

*Ушбу мақолада қисқача тарзда Хожাগон-Нақибандия тариқатининг ўзбек ва тожик халқлари маънавий ҳаётидаги таъсири, ушбу тариқатнинг бу икки халқ турмуш ва тафаккур тарзи, дунёқараши ва маданиятидаги муштарак жиҳатларни шакллантиришидаги ўрни хусусида фикр юритилади.*

**Калит сўзлар:** *Ўзбек ва тожик халқлари, Ислом, Тасаввуф, Хожাগон-Нақибандия тариқати, Нақибандия таълимоти, муштараклик, маънавий ҳаёт, таъсир, диний-фалсафий мерос, форсийзабон ва туркийзабон, Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийдан, Хожа Баҳроуддин Нақибанд, Хожа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сўфий Аллоҳёр, Мовароуннаҳр, Темурийлар.*

## **УЧЕНИЕ ХОДЖАГОН-НАКШБАНДИЯ – ОБЩЕЕ РЕЛИГИОЗНО- ФИЛОСОФСКОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКСКОГО И ТАДЖИКСКОГО НАРОДОВ**

**Холмуминов Джафар Мухаммадиевич,**  
доктор философских наук(DSc), и.д. профессора кафедры “Источниковедение  
и герменевтики суфизма” Ташкентского государственного университета  
востоковедении  
[jafarmuhammad@mail.ru](mailto:jafarmuhammad@mail.ru)

## **АННОТАЦИЯ**

*Дружба и братские связи между узбекским и таджикским народами восходят к давним доисламским временам. После введения ислама эти отношения дружбы и братства поднялись на новый уровень. Единая вера создала почву для объединения образа жизни и мышления, менталитета и традиций этих народов в едином пространстве и цели. В частности, орден Хаджагон-Накибандия, занимавшая важное место в суфизме, служила духовной основой в политической, общественной и культурной жизни этих народов.*

*В данной статье кратко рассматривается влияние ордена Ходжагон-Накибандия на духовную жизнь узбекского и таджикского народов, роль этого ордена в формировании общих сторон в образе жизни и мышлении, мировоззрении и культуре этих двух народов.*

**Ключевые слова:** *узбекский и таджикский народы, ислам, суфизм, орден Хаджагон-Накибандия, учение Накибандия, общность, духовная жизнь, влияние, религиозно-философское наследие, персоязычие и тюркоязычие, Хаджа Абдулхалик Гиждувани, Хаджа Бахауддин Накибанд, Хаджа Ахрор Вали, Абдурахман Джамии, Алишер Навои, Суфи Аллахьяр, Маверуннахр, Тимуриды.*

## **THE DOCTRINE OF KHODJAGON-NAQSHBANDIYA IS A COMMON RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL HERITAGE OF THE UZBEK AND TAJIK PEOPLES**

**Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich,**

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Tashkent State University of Oriental Studies,

professor of chair "Source studies and Hermeneutics of Sufism"

jafarmuhammad@mail.ru

## **ABSTRACT**

*Friendship and fraternal ties between the Uzbek and Tajik peoples date back to ancient pre-Islamic times. After the introduction of Islam, these relations of friendship and brotherhood rose to a new level. A single faith created the ground for uniting the way of life and thinking, mentality and traditions of these peoples in a single space and purpose. In particular, the Khojagon-Naqshbandi orden, which*

*occupied an important place in Sufism, served as a spiritual basis in the political, social and cultural life of these peoples.*

*This article briefly discusses the influence of the Khodjagon-Nakshbandiya order on the spiritual life of the Uzbek and Tajik peoples, the role of this order in the formation of common aspects in the way of life and thinking, worldview and culture of these two peoples.*

**Key words:** *Uzbek and Tajik peoples, Islam, Sufism, Khajagon-Naqshbandiya order, Naqshbandiya doctrine, community, spiritual life, influence, religious and philosophical heritage, Persian-speaking and Turkic-speaking, Khaja Abdulkhalik Gijduvani, Khaja Bahauddin Naqshband, Khaja Ahror Vali, Abdurahman Jami, Alisher Navai, Sufi Allahyar, Maverunnahr, Timurids.*

## **КИРИШ**

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” матнларининг туркийзабон халқлар маданиятига кўрсатган таъсири, Кушон империяси даврида вужудга келган ўзига хос миллатлараро ва динлараро толерантлик, Марказий Осиё ҳудудида шаклланган шарқий эроний тиллар – қадимги хоразм, суғд ва бохтар тиллари таркибидаги туркий элементлар ва туркий тиллар таркибидаги суғдий ва хоразмий тиллардан кириб келган компонентларнинг мавжуд бўлганлиги, маъноси қадимги туркий бўлган, аммо суғд ёзувида ёзилган матнларнинг Мўғулистон тупроғидан топилиши ва шунга ўхшаган бир қанча омиллар форсийзабон ва туркийзабон халқларнинг охириги уч минг йил давомида узлуксиз равишда фаол трансформацион жараёнларни бошидан кечирганлигини кўрсатади.

Зардуштийлик таълимоти, ундан кейин эса ислом тамаддунининг Марказий Осиё туркийзабон ва форсийзабон халқлари, хусусан, ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги маънавий бирликни таъминлашдаги ўрнини алоҳида қайд этиб ўтишга тўғри келади.

Тарих тил жиҳатидан икки алоҳида тил оиласига тегишли бўлган, аммо тафаккур, эътиқод ва яшаш тарзи бир-бирига ўта яқин бўлиб келган халқларга ўзлигини англаш, борликни билиш, ҳаёт моҳиятини идрок этиш ва ривожланиш учун доимо қиёслаш ва кузатиб бориш имкониятини яратиб берди. Ана шу кузатиб бориш ва таққослаш жараёнида бу икки қавм учун ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб турадиган холис бир кўзгу керак эди. Бу кўзгуни эса улар бир-бирининг сиймосида топишди. Қолган барча жараёнлар – таққослаш, бир-биридан андоза олиш ва ўрганишлар, шаклланиш, ривожланиш ва юксалишлар ана шу кўзгу орқали юзага келди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганидек, “Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”. [5,31]

XI асрда яшаб ижод қилган буюк шоир ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг Фирдавсий “Шоҳнома”си анъаналарига эргашиб, туркий тилда “Қутадғу билиг” номли мухташам бир асар яратди. У ушбу асарда бир неча ўринда Мовароуннахрнинг форсийзабон халқи – тожикларни ҳурмат-эътибор билан тилга олиб, уларнинг илм-фан ва маданият ривожига тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтади:

*Бу ҳақда тожиклар китобда битган,  
Китобда бўлмаса, қай кўрган, етган?[12, 38]*

Худди шунингдек, туркийзабон халқлар, уларнинг тили ва маданиятига бўлган ҳурмат-эътибор Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий каби форсийзабон улуғ шоирлар ва мутафаккирлар ижодида ҳам ўз аксини топган.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Марказий Осиё минтақаси ислом оламига нафақат Имом ал-Бухорий ва Имом Термизий каби буюк муҳаддисларни, Имом Мотуридий каби улуғ мутакаллим ва Марғиноний каби улуғ фақеҳларни етказиб берди, балки шунингдек, Ҳаким ат-Термизий, Абў Бакр Варроқ Термизий, Абў Исҳоқ Калободий, Мустамлий Бухорий, Шайх Абу Туроб Нахшабий, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Азизиддин Насафий, Саййид Амир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Аҳрор Валий, Хожа Махдуми Аъзам Даҳбедий каби тасаввуф таълимотининг ўнлаб йирик вакиллари ҳам иноят этди. Қадимги Мовароуннахр – бугунги Марказий Осиё минтақасида тасаввуф таълимотига мансуб бешта йирик тариқат – Ҳакимия (Ҳаким ат-Термизий асос солган), Хожагон (Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувони асос солган), Яссавия (Хожа Аҳмад Яссавий асос солган), Кубравия (Шайх Нажмиддин Кубро асос солган) ва Нақшбандия (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд асос солган) нинг вужудга келиши ислом олами бўйлаб тарқалиши ҳам ушбу таълимотнинг

минтақа халқлари дунёқараши, тафаккур ва турмуш тарзининг шаклланишида қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Булардан ташқари минтақада Эронда вужудга келган Қодирия (Шайх Абдулқодир Гелоний асос солган) ва Туркияда вужудга келган Мавлавия (Мавлоно Жалолиддин Румий асос солган) тариқатларининг ҳам ўзига хос ўрни бўлганлигини эътироф этиш лозим. Айтиш жоизки ушбу тариқатларнинг барчаси Аҳли суннат вал-жамоат эътиқоди асосида шаклланган.

Бухорода вужудга келган тасаввуфий таълимот – Хожагон-Нақшбандия тариқати Марказий Осиё халқлари, айниқса, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги маънавий робиталарнинг чўққисига айланди. Бу ўринда, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халифаси, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи” ва “Туркистон аҳлининг қиблаи дуоסי” – Хожагон тариқатида алоҳида ўрин тутган ва кейинчалик Яссавия тариқатига асос солган туркийзабон шайх Хожа Аҳмад Яссавий ғоялари ҳам Марказий Осиё туркийзабон ва форсийзабон халқларининг XI-XII асрлардаги маънавий муштараклигидан далолат беришини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Хожагон, кейинчалик Нақшбандия номи билан машҳур бўлган диний, фалсафий ва ахлоқий таълимот ўзининг салкам 900 йиллик тарихи давомида ислом олами ва умуман, инсониятга улкан бир маънавий меросни тақдим этган. Ушбу тариқат этагидан етишиб чиққан пиру муршидлар, улуғ мутасаввиф ва мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари ислом тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутади.

Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний (1103–1218/1220) томонидан асос солинган “Хожагон” тариқатининг вужудга келиши улуғ шайх Хожа Юсуф Ҳамадоний (1049–1141)нинг Бухорога келиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида изоҳланади. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Юсуф Ҳамадоний қ.т.с. зикрида шундай ёзади: “Асҳоб аросинда хулафоси тўрт киши эрдилар: Хожа Абдуллоҳ Барқий ва Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний қ.т.а. Ва Хожа Юсуфдин сўнгра бу тўрт кишидин ҳар бири иршод ва даъват мақомида эрмишлар ва муридлар анинг хизматида адаб била мулозим. Чун Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон сори азимат қилди. Барча асҳоб ва иродат аҳлини Хожа Абдулҳолик мутобаатиға далолат қилди”. [1,253]

Хожагон тариқати гарчи мўғул истилосидан биров олдинроқ вужудга келган ва ғоялари Мовароуннаҳр бўйлаб ёйила бошлаган бўлса-да, унинг



мантикий давоми бўлган “Нақшбандия” таълимоти том маънода Амир Темур ва Темурийлар даврининг маҳсули эди. Темурийларнинг ислом дини ва айниқса, унинг таркибида шаклланган тасаввуф таълимотига бўлган юксак эътиқод ва эътибори ушбу тариқатнинг кенгроқ қулоқ ёзиши ва маълум даврларга келиб, асосий сиёсий-диний мафкурага айланишига имкон берди.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийдан бошлаб то Хожа Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган давр давомида Хожагон-Нақшбандия тариқатининг марказий фаолият доираси Бухоро ва унинг атрофи билан чекланган бўлса, Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсо давридан бошлаб унинг жуғрофияси Самарқанддан Тошкент ва Кошғаргача, Термиздан Балх, Ҳисор ва Ҳиротгача кенгайиб борди.

XVI асрдан бошлаб Нақшбандия таълимоти жанубга – Ҳиндистонга йўл олди. Иммом Раббоний номи билан машҳур бўлган Аҳмад Сарҳиндий Мужаддиди алфи соний тугайли Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ғоялари Ҳиндистон ва бугунги Покистон ҳудудларида кенг тарқалди. Агар Ҳиндистонда Нақшбандия тариқатининг Мужаддидия шубҳаси вужудга келиб, ушбу ўлка мусулмонларининг маънавий раҳнамосига айланган бўлса, Усмонли салтанатида Нақшбандия тариқатининг Кумушхонавия ва Холидия каби шубҳалари Мавлавия тариқати билан бир сафда қарор топди. Айтиш мумкинки, Нақшбандия тариқати Марказий Осиё халқларидан ташқари турк, пашту, ҳинд, эрон, араб ва Кавказ мусулмон халқларининг маънавий ҳаётига ҳам катта ижобий таъсир этказди. Бошқача айтганда, Нақшбандия таълимоти том маънода байналмилал тариқатга айланди.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ўз тариқатида жаҳрий зикр, самоъ ва хилватга кенг ўрин бермай, янгича услуб қўлади. Суннатга эътибор бериб, бидъату хурофотдан йироқлашишга аҳамият берди. Ўз шогирдларига: “Фикҳ ва ҳадис илмини ўрган, жоҳил сўфийлардан йироқ бўл, молинг фикҳ китоблари бўлсин, сени мақтасалар, ғурурланма, маломат қилсалар, ранжима, инсонлардан ҳеч нарса тамаъ қилма, футувват аҳлидан бўл ва Ҳақ таоло сенга нима берса халққа эҳсон қил!”, деб таълим берганлар. Бу қоида кейинчалик Хожагон тариқатининг бош хусусияти сифатида давом этди ва тахминан икки асрдан сўнг нақшбандия тариқатига мерос бўлиб ўтди”. [8,14]

Хожагон тариқатидаги саккиз қоида – “Усули ёздаҳгона” – “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар Ватан”, “Хилват дар анжуман”, “Ёдкард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдош”, “Ёддошт”га яна уч қоида – “Вукуфи ададий”, “Вукуфи замоний” ва “Вукуфи қалбий”ни қўшиб, мукаммаллаштирган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318 –1389) ва унинг издошлари ислом шарияти – Қуръони карим

ва Расулulloҳ суннатига қатъий риоя қилган ҳолда Ҳанафия фикҳи ва Мотуридия калом мактаби асосида тасаввуф таълимотини аскетизм – таркидунёчиликдан жамиятнинг воқеий ҳаётига, инсон моҳияти ва ботиний оламига олиб кирдилар. Асосий эътиборни инсоннинг ўзига қаратиш, бунинг учун жамият ичида бўлиш ва эл қатори ҳалол меҳнат билан кун кечириш, аммо ботинда, қалбда Аллоҳ таоло ёдини сақлаш Нақшбандия таълимотининг асосий шиори – “Дил ба Ёру даст ба кор”нинг мазмун-моҳиятини ифода этарди. Бошида шаҳар ҳунармандлари ва савдо аҳлининг мақсад-маромларини ўзида мужассам этган Нақшбандия кўчманчи чорвадорларни ҳам ўз сафларига кирита бошлади. Инсоннинг ижтимоий табақаси, келиб чиқиши, тили ва миллати ҳеч қандай аҳамият касб этмайдиган Нақшбандия таълимоти ўз даврида минтақа форсийзабон ва туркийзабон қатламларининг ҳаёт мазмунига айланиб борди. Художўйлик, ҳаётсеварлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ва толерантлик каби кўплаб олийжаноб ғояларни ўзида мужассамлаштирган Нақшбандия таълимоти ўз даврининг етук олиму фозилларини, бора-бора давр ҳукмдорларини ҳам ўзига мафтун этди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Мовароуннаҳр туб аҳолисининг минг йиллик урф-одатлари ва маросимларини Қуръон ва суннат асосида қайта ишлаб, гўзал бир тарзда яна халққа қайтариб берди. Бошқача айтганда, Нақшбандия таълимотида тасаввуф маросимчилиги маҳаллийлаштирилди. Бундан ташқари, унгина асосан арабча бўлган тасаввуф истилоҳлари ва тушунчаларини маҳаллий халқ учун тушунарли ва уларнинг қалбига яқинроқ бўлган форс-тожик тилида ишлаб чиқилди.

Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё халқларининг чинакам маънавий мураббийси даражасига кўтарилди. Ундаги “асосий талаб – қалбни дунё ғуборларидан тозалаш, ўз нафси билан курашиб руҳда чароғонлк топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Зикри хафий (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. “Ташқаридан халқ билан, ичкаридан Ҳақ билан бўлиш”, ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб шлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш Нақшбандиянинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган”. [4,294] Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, Мовароуннаҳрда яшовчи бугунги ўзбек, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз халқларининг миллий ўзлиги, менталитети, турмуш ва тафаккур тарзининг шаклланишига кучли ижобий таъсир кўрсатди. Бошқача айтганда, Нақшбандия таълимоти ўзбек ва тожик халқларини нафақат маънавий-ахлоқий жиҳатдан бирлаштирди, балки

уларнинг миллат сифатида шаклланиш жараёнида ҳам фаол иштирок этди. Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида мунтазам тарзда фаолият юритаётган ҳолда Худо ёдини дилда сақлаш, художўйлик, инсонпарварлик, иймон-этиқодли бўлиш, меҳр-оқибатлилик, ота-она, улуғлар, устозларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, ўтганларни хотирлаш, инсон кадр-қийматини эъзозлаш, ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, покиза турмуш тарзи билан яшаш ва яна юзлаб олийжаноб қадриятлар, юксак инсоний фазилатларнинг ўзбек ва тожик халқлари онгу шуурида мустаҳкам ўрин олиши ҳам асосан муқаддас ислом дини ва Нақшбандия таълимотига бориб тақалади.

Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд даврига келиб, Мовароуннаҳрда яшовчи туркий халқлардан йирик шайхлар етишиб чиққан эди. “Анис ут-толибин”, “Рисолат ул-Баҳоийя”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларидан ўрин олган манқабада келтирилишича, бир кун Шох Нақшбанднинг тушида Ҳаким Ота уни Яссавия шайхларидан бирига ҳавола қилади. Тушидаги шайхнинг сиймосини хотирасида сақлаб қолган Хожа Баҳоуддин уйғониб, кўрган тушини бувисига айтганда, у: “Болам, сенга турк машойихидан насиба етажак”, - дейди. Шундан кейин у Яссавия пирларидан Хожа Халил Ота ҳазратларига ўн икки йил хизмат қилган. Яна бир Яссавий шайхи Қусам Отадан ҳам икки-уч ой давомида таълим олган.[8, 58] Мавлоно Жомийнинг пирларидан бири – Саъдиддин Кошғарий турк машойихидан бўлганлиги ҳам бунини тасдиқлайди. Ана шу факт – Нақшбандия таълимотига эргашган форсийзабон ва туркийзабон халқлар вакиллари тил ва миллат ажратмасдан муршидлик-муридлик муносабатларини ўрнатганларининг ўзи ҳам Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳрда ушбу икки халқнинг маънавий бирлик рамзи сифатида хизмат қилганини кўрсатади.

Бундан ташқари, келиб чиқиши туркий бўлган Темурий ва Шайбоний ҳукмдорларнинг Нақшбандия пирларига нисбатан кўрсатган юксак ҳурмат-эҳтиром ва ихлосу иродатлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Амир Темур Саййид амир Кулол ва Шамсиддин Кулолни, Султон Ҳусайн Бойқаро Хожа Аҳрор Валийни, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шайбонихон, Убайдуллоҳхон ва Жонибек Султон Саййид Аҳмад – Махдуми Аъзам (1461-1542)ни ўзларига пиру муршид тутиб, уларнинг насиҳат ва маслаҳатларига кулоқ тутганлари ҳам маълум.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV асрдаги ижтимоий-сиёсий, диний-илмий ва ғоявий-мафкуравий саҳналарини даврнинг биринчи даражали нақшбандий пири – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий сиймосисиз тасаввур қилишнинг имкони йўқ. Акс ҳолда, ушбу давр ҳақидаги ҳар қандай тасаввур ва



фикр ё ҳақиқатдан йироқ, ё ҳақиқатнамо афсона бўлиб чиқиши тайин. Хожа Аҳрор Валий бир томондан шариат пешвоси – бутун вужуди билан Ҳанафия мазҳабининг собитлиги учун курашиб келган дин арбоби бўлса, иккинчи томондан, тариқат раҳнамоси – Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўша даврдаги садоқатли халифаси эди.

Хожагон-Нақшбандия пешволари, шунингдек, Хожа Аҳрор Валий ва Жомий ҳаёти ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида ўта қимматли маълумотлар тўплаган машҳур тарихчи – Фахриддин Али Сафий ўзининг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” номли китобида Жомийнинг Самарқанд билан боғлиқ ҳаёти ҳақида шундай деб ёзади: “Ҳазрати Маҳдум (Мавлоно Жомий – Ж.Х.) уч мартаба Самарқандга бордилар. Аввалги навбат Мирзо Улуғбек замонида эрди. Қозии Рум (Қозизода Румий – Ж.Х.)нинг дарсига бориб келдилар. Ондоғким, шаммае ондин ўтди. Иккилончи навбат хоссатан Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий – Ж.Х.)нинг суҳбатларини топмоқ учун бордилар. Ул борғонларининг тарихи ондоғким, олонинг муборак хатларидан нақл этулди. Муҳаррам ойининг саккизлончиси шанба куни сана саккиз юз етмишда (1465) эрди. Ва улчаким (учинчи – Ж.Х.) навбат ҳам Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларини топмоқ учун Ҳиротдин Самарқандга келдилар. Ва келган вақтларида шундоқ иттифоқ тушдиким, Ҳазрати Эшон зарурат юзидин Умаршайх Мирзо, Султон Аҳмад Мирзоларким, Султон Абу Саъид Мирзонинг фарзандлари эрдилар, олонинг мусолаҳаси (сулҳи – Ж.Х.) учун Туркистонга азимат қилмоқчи бўлдилар. Вақтики, мулоқот ва суҳбатдин уч кун ўтди, Ҳазрати Эшон Туркистон тарафиға мутаважжих бўлдилар ва Ҳазрати Маҳдумни сойир асҳоб (суҳбатдошлар, дўстлар – Ж.Х.) ва азизлар била Фороб тарафиға юбордилар. Ва султонларнинг мусолаҳасидан сўнг Шош вилоятиға келдилар. Ва олонри Форобдин талаб қилиб, Тошкандда неча кеча-кундуз суҳбатлар қойим бўлди ва олий мажлислар мунъақид бўлди. Ва хизмати Мавлоно Абу Саъид Убахий алайиррахмаким, Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидан эрди, ул суҳбатда хозир эркон. Ул мажлисларнинг кайфияти ва хусусиятларидин ҳикоятлар этиб, ойтур эрдиларким, аксар авқот (вақтлар – Ж.Х.) Ҳазрати Эшон била Ҳазрати Маҳдумнинг орасида суҳбат сукут била ўтар эрди. Ва гоҳи Ҳазрати Эшон сўз ойтур эрдилар.” [11, 188] Али Сафий Жомийнинг Тошкентда Хожа Аҳрор Валий ҳузуридаги истиқомати муддати ўн беш кеча-кундуз давом этганини таъкидлайди. [11,188-189] Жомий Хожа Аҳрор Валий наздида жуда катта обрў-эътибор қозонди. Хожа Аҳрор Валийдек шариат ва тариқат пешвосининг Жомийга бўлан ҳусни таважжуҳи шу даражада эдики, кимки унга ирфон фалсафасининг турли масалалари бўйича мурожаат этадиган бўлса, албатта,

бориб Жомийдан сўрашни тавсия этарди. Бу ҳақда Али Сафий ёзади: “...Ҳазрати Эшон кўб толибларни Ҳазрати Махдумнинг хизматлари ва мулозаматлариға хавола қилур эрдилар. Ва кўб мустаъидларнинг озорнинг суҳбатига таҳриз этур эрдилар. Аввалғи мартабаким, бу ҳуруфнинг роқими (ушбу сатрларнинг муаллифи – Ж.Х.) Мовароуннаҳрға борди. Жайхуннинг соҳилиға келгон кечаси тушида кўрдиким, Ҳазрати Эшон зоҳир бўлдилар ва ойтурларким, “Ажаб нимарсадурким, нурдин бўлгон дарё Хуросонда мавж урар, одамлар чироғнинг нури иқтибосиға Мовароуннаҳрға келурлар”. Вақтиким Қаршида ул Ҳазрат (Хожа Аҳрор – Ж.Х.)нинг мулозаматлариға мушарраф бўлди. Бир кун маводийда ойдиларким, “Ҳиротда машойиху вақтдин кимларни кўрдинг?” Ойдим: “Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мавлоно Муҳаммад Руважийни”. Ойдиларким: “Хуросонда ҳар ким Мавлоно Абдурахмон Жомийни кўрган бўлса, онга сувнинг бу тарафига келмакка ҳожат йўқтурур”.[11,188] Бу даврга келиб Жомий Нақшбандия тариқатининг йирик вакили сифатида ҳам шуҳрат қозонган эди. Унинг Нақшбандия тариқатига кириши Мовароуннаҳру Хуросоннинг сиёсий доиралари ва илм-маърифат аҳли томонидан муҳим тарихий воқеа сифатида қабул қилинди. Хусусан, Нақшбандия улуғлари Жомийнинг тариқатга киришини катта қувонч ва мамнуният билан кутиб олдилар. Жумладан, Нақшбандия тариқатининг Хуросондаги улуғ шайхи, Жомийнинг муршиди бўлмиш Саъдиддин Кошғарий “Ҳақ субҳона таъоло биз ошуфтаҳол фақирларга бу соҳибкамол йигитнинг (яъни, Жомий – Ж.Х.) суҳбатига етиш шарафини иноят айлади”, [13,8-78] деб Жомийни нақшбандийларга Парвардигорнинг ўзи етказган мўътабар бир зот сифатида эътироф этган.

Туркийзабон бўлган Шайх Саъдиддин Кошғарий яна бир жойда ўз муриди Жомийнинг юксак мақомига ишора қилиб, “Тариқат майдониға қадам қўйган бу хуросонлик йигитга Бухоронинг Хожагон тариқатида олий бир мартаба насиб этмишдир”, [13, 8-78] дейди.

Хожа Аҳрор Валий Хожагон-Нақшбандия таълимотини давом эттирибгина қолмай, унинг сиёсий-ижтимоий асосларини мустаҳкамлашга ҳам эришди. Айнан унинг саъй-ҳаракатлари натижасида Нақшбандия таълимоти Темурийлар сулоласининг бошқарув тизимини ҳам ўз таъсири остига олди. Нақшбандия ғоялари минтақадаги ўзбек ва тожик халқларнинг турли ижтимоий табақаларигача кириб борди. Айнан у ва унинг издошлари орқали Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳр ҳудудларидан чиқиб, Хуросон, Кавказ, Шимолий Кавказ, Усмонли турк, Ҳиндистон (ҳозирги Покистон билан бирга) ҳудудларигача кириб борди. Айниқса, Жомий, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро каби

тарихий шахсларнинг Хожа Аҳрорга боғланиши Нақшбандия таълимоти учун буюк воқеа бўлди. Қисқа бир муддат ичида Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳрдаги Хожа Аҳрор ва Ҳинд заминидаги Имом Раббонийнинг фаолиятлари натижасида халқаро характер касб этиб, турли давлат ва миллат вакиллари ягона мафкура ва эътиқод атрофида бирлаштириш механизмига айланди.

Нақшбандия таълимоти Темурийлар салтанати даврида форсийзабон ва туркийзабон адабиётларни янги тасаввуфий ғоялар, янги мавзу ва мазмун-мундарижалар ҳамда янги образлар билан бойитди. Бу даврга келиб ҳар иккала тилда Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандий пирлар ҳақида манокиблар, мақомотлар ва тазкиралар ёзиш анъанага айланди. Жумладан, Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасининг турк машойихлари бобида юздан ортиқ туркийзабон шайхлар ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтганини таъкидлаш мумкин.

Сўфи Аллоҳёрга тариқат илмида нақшбандий пири комиллар – Шайх Сўфи Наврўз ва Шайх Ҳабибуллоҳлар устозлик қилишган. Сўфи Аллоҳёр тахминан 12 ёшларда Бухорога бориб Жўйбор мадрасасида ўқишни давом эттиради. Айтишларича, Сўфи Аллоҳёр ўзининг қобилияти ва тиришқоқлиги билан мадрасани имтиёзли тугатиб, Бухоро хонининг эътиборига тушади ва 25 ёшларида хонликнинг божхона-солиқ тўралиги лавозимига тайинланади. Бу лавозимда ишлаб юрган пайтларида иттифоқо Бухородаги улуғ Шайх Ҳабибуллоҳнинг муридларидан бирига шикаст етказди. Бу воқедан хабар топган шайх танбиҳ учун Сўфи Аллоҳёрни ҳузурига чақиради. Савол-жавоб асносида шайх Сўфи Аллоҳёр ботинининг софлигидан хабардор бўлади ва таважжуҳ қилади. Ўша он Сўфи Аллоҳёр руҳиятида ажиб ўзгариш пайдо бўлади ва шайх Ҳабибуллоҳга мурид тушади. Мурид тушгандан кейин мансабидан ҳам кечиб, шайх Ҳабибуллоҳга ўн икки йил хизмат қилади. Шайх вазифаларини астойдил бажариб, ихлос ва эътиқод билан хизмат қилиб, ўзи ҳам иршод олиб шайхлик даражасига эришади. Ундан бизгача тўртта асар етиб келган. Шоир “Сабот ул-ојизин” асарини ўзбек тилида, “Маслак ул-муттақин” ва “Мурод ул-орифин” китобларини форс-тожик тилида ҳамда “Махзан ул-мутибийн” асарини араб тилида ёзган. Сўфи Аллоҳёрнинг “Маслак ул-муттақин” асари Ҳафиз Хўжа ўғли Қўзи Хўжа томонидан ўзбек тилига “Ҳидоят ул-муттақин” деган ном остида насрий (эркин) таржима қилинган. “Ҳидоят ул-муттақин”нинг мукамал қўлёзма нусхаси ўзбек олимлари Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Акрам Дехқон томонидан ҳижрий 1293 (мелодий 1876) йилда кўчирилган нусха асосида нашрга тайёрланган. Бу асарнинг “қўлёзма

нусхалари баъзи жойларга, айниқса, Сайрам ва Тошкент атрофига тарқалган”. [7,45] Яна форс-тожик тилида 85 байтдан иборат “Дар баёни қавоиди Ҳаж” (“Ҳажнома”) номли шеърий асари ҳам бор. XX аср бошларига қадар бу асарлар форсий ва туркий тилда сўзлашувчи халқлар томонидан эъзозланиб, ўқиб келинган.

Сўфи Аллоҳёр шеърий йўсинда форс-тожик тилида ёзган “Маслак ул-муттақин” асарида ўзининг туркийзабон (бошқа бир ўринда: ўзбек) эканини таъкидлайди.[9,17] Нақшбандия таълимотининг XVII-XVIII асрлардаги йирик намояндаси, зуллисонайн шоир Сўфи Аллоҳёр ўзининг ҳам амалий фаолияти, ҳам маънавий мероси билан Марказий Осиё минтақасида яшовчи туркийзабон ва форсийзабон халқларни ягона эътиқод ва тафаккур тарзи, исломий ахлоқ ва маърифат байроғи остида бирлаштириш борасида муносиб ҳисса қўшди.

Темурийлар ҳукмдорлигидан сўнг ҳам Хожагон-Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳр ўзбек ва тожик халқларининг бирлиги рамзи бўлиб қолаверди, уларнинг маънавий олами, адабиётини бойитиб турадиган, кундалик турмуш тарзи ва ахлоқ-одобини муайян тизимга солиб турадиган омил бўлиб хизмат қилаверди. Ҳар икки халқ адабиётида маноқибнавислик, тазкиранавислик ва шажаранавислик ривожланди. Ҳар икки тилдаги шеъриятда, айниқса, XVIII-XIX асрлар Кўқон адабий муҳитидаги Жалолоий, Азимий, Мажзуб, Амирий, Ёрий, Садоий, Маҳжур, Завқий, Муҳсиний, Рожий, Соқиб ва Фидоий каби зуллисонайн шоирлар ижодида нақшбандий ғоялар куйланди.

XVIII аср охирлари ва XX аср бошларида Жўйборий хожалар, Дахбедий шайхлар, нақшбандийлар Марказий Осиё халқларининг озодлик учун курашлари (Чирчиқ доवони, 1872 й. Хожа Эшонқул Қара; 1881 й. Шайх Қурбонмурод Нақшбандий “Дукчи Эшон; 1898 й. Андижон, Мадали Эшон) жараёнида ҳам фаол иштирок этишади. Шўро тарихнавислигида “босмачилик ҳаракати” деб таърифланган, аммо аслида болшевикларга қарши кураш олиб борган Шермухаммадбек (Кўр Шермат) ва Жунайдахонларнинг манбаларда нақшбандийлар сифатида қайд этилиши нақшбандийлик таълимотининг сўнгги асрлардаги тақдирига оид тасаввурларимизни янада бойитиши табиий.

Эронлик адабиётшунос олим Иброҳим Худоёрни кўпроқ Марказий Осиё халқларининг Хожа Баҳоуддин Нақшбанд култига меҳр-муҳаббат ва ихлоси масаласи қизиқтирган. Унинг ёзишича, шўролар ҳукумати даврида Худога эътиқод қилиш ман этилгани боис, халқ Хожа Баҳоуддинга сиғина бошлаган. Халқ эътиқодидаги бу хурофот натижасида Баҳоуддин Нақшбанд шўро ҳукуматининг душмани сифатида давр адабиётининг танқид объектига айланган. [10,29] Шундай бўлишига қарамасдан, Нақшбандия таълимотининг

ўзбек ва тожик халқлари маънавий ҳаётига таъсири ҳатто мустабид шўролар даврида ҳам давом этди. Ушбу даврда ҳам бу икки халқнинг маънавий пешволари ва иймон-этиқодли ижодкорлари Нақшбандия таълимотига амал қилиб яшаганлар.

1910 йили Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғида туғилган Нақшбандий сўфи ва зуллисонайн шоир Мирзо Умар Дарбандий (Хўшачин) ҳам ана шундай кишилардан бири бўлган. Ўша даврнинг Нақшбандия таълимотига эргашган олим, фозил кишиларидан қироат, тафсир, фикҳ, ҳадис ва сарфу наҳв ва тариқат илмларини ўрганган Мирзо Умар ҳаёти мустабид шўролар тузумининг шафқатсиз сиёсати туфайли зимистонга айланди. 18 ёшида уни бойнинг, мулланинг ўғли деб, қамашди. Кўп йиллар давомида Сибирга сургун қилинган ва тутқунликда бўлган Мирзо Умар 1945 йили авф этилди. Румий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил, Машраб ва Сўфи Аллоҳёр меросини катта қизиқиш билан ўрганган Мирзо Умарнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган ғазал ва мухаммаслари мазмундорлиги ва муסיқийлиги билан ажралиб туради. Уларда Қуръони карим оятлари, ҳадис ўғитлари, тасаввуф, айниқса, Нақшбандия тариқати ҳикматларининг таъсири нақадар кучли эканини кўрамиз. [6]

## **НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА**

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг нафақат ҳаётсеварликка ундайдиган таълимоти, балки шахси ҳам ўзбек ва тожик халқлари учун доимо ардоқли бўлиб келган. Бу табаррук зотга бўлган ихлос ва эҳтиром ҳатто мустабид шўролар даврида ҳам давом этди. Марказий Осиё халқларининг Баҳоуддин Нақшбанд культига меҳр-муҳаббат ва ихлоси масаласи эронлик олим И. Худоёрни ҳам қизиқтирган. Унинг ёзишича, шўролар ҳукумати даврида Худога этиқод қилиш ман этилгани боис, халқ Хожа Баҳоуддинга сиғина бошлаган. Халқ эътиқодидаги бу хурофот натижасида Баҳоуддин Нақшбанд шўро ҳукуматининг душмани сифатида давр адабиётининг танқид объектига айланган. [10,27-31]

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти Марказий Осиё халқларининг миллий тафаккури, кундалик турмуш тарзи ва психологиясига ҳам катта таъсир кўрсатган. Эронда нашр этилаётган “Донэшномэ-йэ жаҳон-э эслом” (Ислом олами энциклопедияси)нинг 4-жилдида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти ва таълимотига оид мақола муаллифи Акбар Субутий [3,677-680] машҳур мажор сайёҳи Вамбери берган маълумотларга таяниб, Баҳоуддин Нақшбанднинг кўпгина кароматлар соҳиби бўлгани, бу кароматлар ҳатто унинг



вафотидан кейин ҳам давом этгани, шунингдек, бу улуг зот етти ойлигида дунёга келгани ва етти ёшлигида Қуръони каримни ёд олгани сабабли “етти” рақамига алоҳида ҳурмат билан қараганини таъкидлаб ўтади. [2,261-263] Ана шу ҳолат, яъни, “етти” рақамига ихлос билан қараш ва унга эътиқодий тус бериш (етти қават осмон, етти пир...) ўзбек ва тожик халқлари учун муштрак ҳолатлардан бири саналади.

## **ХУЛОСА**

Тасаввуф таълимоти, хусусан, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг Марказий Осиё халқлари, айниқса, ўзбек ва тожик халқлари ўртасида маънавий муштараклик ва бирликни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни масаласида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Тасаввуф таълимоти, айниқса, Хожагон-Нақшбандия тариқати Мовароуннаҳр туркийзабон ва форсийзабон халқларини ягона Ислом дини ва айниқса, Ҳанафия мазҳаби доирасида бирлаштириш учун хизмат қилди.
2. Тасаввуф таълимоти ўзбек ва тожик халқлари миллий ўзлиги ва менталитетининг шаклланиши жараёнида фаол иштирок этди.
3. Мовароуннаҳр туркийзабон ва форсийзабон халқлари ўртасидаги этномаданий алоқаларни ривожлантириш, ўзбек ва тожик халқларининг маънавий бирлигини таъминлашда асосий омил сифатида хизмат қилди.
4. Минтақа халқларининг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди ва уларнинг сиёсий бирлигини таъминлаш жараёнида ҳам фаол иштирок этди.
5. Хожагон-Нақшбандия тариқати араб тилида шаклланган тасаввуфий истилоҳларни маҳаллийлаштириш, форсийзабон ва туркийзабон тасаввуф илмий-бадий адабиётини ривожлантириш, минтақадаги араблашган тасаввуф таълимоти ва адабиётини маҳаллийлаштириш учун хизмат қилди.
6. Тасаввуф Мовароуннаҳр ўзбек ва тожик халқларининг мўғул босқинчиларига қарши курашида ғоявий қуроли сифатида хизмат қилди.
7. Минтақадаги мўғулларнинг мусулмонлашиши ва маҳаллий халқлар билан қоришиб кетиши жараёнига ижобий таъсир кўрсатди.
8. Нақшбандия таълимоти Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг асосий мафкураси сифатида хизмат қилди.
9. Тасаввуф таълимоти Мовароуннаҳрда шаклланган форс-тожик ва ўзбек адабиётининг ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди.
10. Минтақада туркийзабон тасаввуфий адабиётнинг шаклланиши жараёнида фаол иштирок этди.

11. Минтақа адабиётида зуллисонайнлик анъанаси (форсий ва туркий тилларда ижод қилиш)ни ривожлантиришга хизмат қилди.

12. Мовароуннаҳр туркийзабон ва форсийзабон халқларини тасаввуф таълимоти таркибидаги бошқа таълимотлар – Ҳакимия (Ҳаким ат-Термизий), Кубравия (Шайх Нажмиддин Кубро), Қодирия (Абдулқодир Гелоний), Яссавия (Ҳожа Аҳмад Яссавий), Акбария (Шайх Муҳйиддин Ибн ал-Арабий) ва Мавлавия (Мавлоно Жалолоддин Балхий-Румий) билан таништириш жараёнида фаол иштирок этди.

Умуман олганда, Нақшбандия таълимотининг ўзбек ва тожик халқлари сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туган ўрни беқиёс. Ушбу масалани келажакда ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш шубҳасиз, мазкур халқлар ўртасидаги этномаданий, илмий ва адабий алоқалар тарихини ёритиб бериш учун хизмат қилади.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: “Фан”, 2001.
2. Вамбери О. Саёҳат-э Дарвиш-э дуруғин дар хоноти Осиё-йэ Миёнэ Таржумэ-йэ Фатҳали Ҳожа Нуриён. – Техрон, 1365.
3. Донишноэ-йэ жаҳон-э эслом. Зир-э назар-э Ғуломали Ҳаддод-э Одэл. Жэлд-э 4, -техрон: Бунёд-э Дойэрат ул-маъорэф-э эсломи, 1377 (1997).
4. Комилов Н. Нақшбандия. / ЎЗМЭ, 6. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
6. Мирзо Умар Дарбандий. Муножот. – Фарғона, “Фарғона”, 2001.
7. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Фатво ва тақво китоби. – Т.: “Фан”, 2005.
8. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Буюқлар ҳалқаси. (Олтин силсила валийлари). – Тошкент: “Ноширлик ёғдуси”, 2011.
9. Сўфи Аллоҳёр. Маслак ул-муттақин. Нашрга тайёрловчилар: Хайруллоҳ Толибзода, Жаъфар Холмўминов. (Кўлөзма).
10. Худоёр Н. Тариқатҳо-йэ эрфони ва мирос-э шэър-э форси-йэ Мовароуннаҳр. – Техрон: “Сухан-э эшқ”, №20, 1382.
11. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. – Тошкент: “Абу Али ибн Сино”, 2004

12. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи: Фазлиддин Равшанов. – Тошкент: “Akademnashr”, 2015.
13. باخرزي، نظام الدين عبدالواسع. مقامات جامي. به كوشش نجيب مايل هروي. تهران، 1371 ه.ش. ص. 8-78.